<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчи</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади. Таълим жараёни “Гуруҳларда ишлаш” орқали амалга оширилишини эълон қилади. (1-илова).	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2 Талабаларни машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради. (3-илова).	
	Талабалар 3 та гуруҳга бўлинади. Уларнинг ҳар бирига амалий машғулот режасига мос равишда вазифалар тарқатилади (1-илова). Талабаларга керакли тавсиялар берилади	Топириқлар билан танишадилар
	1.5. Мавзу бўйича тайёрланган топириқларни тарқатади.	Топириқ билан танишади.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Гуруҳларга топириқни бажариш учун ёрдам беради. Қушимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини қўйиладиган натижага жалб қилади.	Гуруҳларга бўлиниб топириқни бажара бошлайдилар. Мустақил ишлайди.
	2.2. Талабаларнинг мавзунини қанчалик ёритиб бера олганликларини кузатади	Ҳар бир гуруҳ аъзолари вазифа бўйича фикрларини билдирадилар ва ўзларининг топирилган мавзунини очиб берадилар
	2.3. Гуруҳларга маълум тартибда бир-бирларига савол беришларини сўрайди ва талабалар бошқа гуруҳдагиларнинг тайёргарлигини қанчалик эшитиб, эслаб қолганликларини аниқлайди	Гуруҳлар ўзаро саволларига жавоб берадилар
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Мавзу бўйича якунловчи хулосалар қилади. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мустақил ишлаш учун топириқ беради.	ЎУМ га қарайдилар.
	3.3. Мавзу бўйича билимларини чуқурлаштириш учун адабиётлар беради.	ЎУМ га қарайдилар

2-гуруҳ. 2-топширик.

Қуйидаги жиноят процесси шаклларининг ҳар бирига таъриф беринг:

1. *Соф магистрат оммавий жараёни*
2. *Магистрат-комициал жараён*
3. *Маслаҳатчилар коллегияси жараёни*
4. *Муниципал жараён*

2-гуруҳ. 2-топширик.

Суд жараёни тартибини тушунтириб беринг.

(Бунда суд жараёни қатнашчилари, судьяларнинг фаолияти ва уларнинг яқуний ҳукмига алоҳида эътибор бериш зарур).

2-гуруҳ. 2-топширик.

Жиноий айбловни белгилашда фойдаланиладиган далилларни таърифлаб беринг:

1. *Гувоҳларнинг кўрсатмалари*
2. *Тинтув натижасида топилган буюмлар*
3. *Ёзма далиллар*

4 - мавзу	ФОРМУЛЯР ЖАРАЁН ВА ПРЕТОР ЮСТИЦИЯСИ
-----------	--

4.1. Амалий машғулоти олиб бориш технологияси

Машғулоти вақти-2 соат	Талабалар сони: 20
Машғулоти шакли	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулоти
Амалий машғулоти режаси	1. Формуляр жараёнини келиб чиқиши ва моҳияти 2. Формуляр жараёнини амалга оширилиши 3. Суд жараёнида преторнинг фаолияти
Машғулотнинг мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш.	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари.
• назарий билимларни мустаҳкамлатади; • мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириши ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; • кичик гуруҳларда ишлашни ташкил этади; • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради;	• Қадимги Римда амалга оширилган суд жараёни ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлади; • Формуляр суд жараёнини боришини ўрганади • Суд жараёнида преторнинг фаолиятини ўрганади • Замонавий суд жараёни билан қиёсий таҳлил қилиб чиқади;
Ўқитиш усуллари ва техника	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, вазиятчи ишланма усули
Ўқитиш воситалари	Таркатма материал, компьютерлар, доска.
Ўқитиш шакллари	Индивидуал, коллектив.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

4.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Таълим берувчи</i>	<i>Таълим олувчи</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.	Мавзу номини ёзиб олади.
	1.2. Тингловчиларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради.	Ёзиб олади.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Талабаларни 2 гуруҳга бўлади ва биринчи гуруҳга “Қадимги Римда суд жараёнини бориши” ва иккинчи гуруҳга “Замонавий қонунчиликда суд жараёнининг амалга оширилиши” мавзуларида жадвал тўлдиришини топширади.	Гуруҳларга бўли- надилар. Жавоб беради
	2.2. Топшириқни бажаришда маслаҳат беради.	Ўқув топшириғи ва баҳолаш мезонлари билан танишади
	2.3. Гуруҳ сардорларининг тақдимот ма- росимини ўтказишларини ташкил этади.	Ҳар бир гуруҳдан жамоа сардори чиқиб тақдимот ўтказади.
	2.6. Тўлдирилган жадвалларни бир-бири билан солиштириб, жавобларни умумлаштиради ва хулоса қилади.	Эркин фикрини билдиради.
	2.7. Гуруҳларни бир-бирларини баҳолашларини ташкил қилади.	Баҳолайди.
	3.1. Мавзу мақсадига эришишдаги тингловчилар фаолияти таҳлил қилинади ва баҳоланади.	Тинглайди.
III-босқич. Якуний (5-минут)	3.2. Мавзу бўйича билимларни чуқурлаш-тириши учун адабиётлар беради.	Ёзиб олади.
	3.3. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради. Кейинги маъруза машғулоти тайёргарлик кўришини, маъруза матнини ўқиб Инсерт асосида белгилаб келишни айтади. Кейинги маъруза машғулотини ўқишни, докладчилар учун саволлар тузиб келишни топширади.	ЎУМга қарайди.

	Иштирокчилари	Қандай босқичларда амалга оширилади	Қандай ҳукм чиқарилади (ким томонидан)
Қадимги Римдаги суд жараёни			
Замонавий суд жараёни			

5-мавзу	РИМ ҲУҚУҚИДА ШАХСЛАР
----------------	-----------------------------

5.1. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20
Машғулот шакли	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Рим ҳуқуқида шахслар тушунчаси 2. Рим фуқароларининг ҳуқуқий ҳолати 3. Лотинлар ва перегринларнинг ҳуқуқий ҳолати 4. Қулларнинг, озодликка қўйиб юборилганларнинг ҳуқуқий ҳолати 5. Колонларнинг ҳуқуқий ҳолати 6. Юридик шахслар
Машғулотнинг мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари.
• мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратлади; • мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; • гуруҳларда ишлашни ташкил қилади; • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради;	• амалий машғулот режаси билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик кўради; • Рим ҳуқуқида шахслар тушунчасини ёритиб бера олади; • Қадимги Римдаги озод фуқароларнинг, лотинлар, перегринлар ва колонларнинг ҳуқуқий мақомини ўрганади; • Рим давлатида юридик шахслар мақомини кўрсатиб беради.
Ўқитиш усуллари ва техника	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат.
Ўқитиш воситалари	Тарқатма материал, компьютерлар, доска.
Ўқитиш шакллари	Компьютер, проектор ва бошқа техник воситалар мавжуд хоналарда.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.


5.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва вазифаларини айтади. (Амалий машғулотни ўтказишда олдиндан топшириқ ва вазифалар беради).	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширилишини эълон қилади. Талабаларни доира ёки тўртбурчак шаклда столлар атрофида икки гуруҳга бўлади.	Ёзиб оладилар. Жавоб берадилар.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. Иккала гуруҳга “Шахслар” мавзуида кластер тузишини топшириқ қилиб беради.	Топшириқни олади.
	2.2. Топшириқларга тайёргарлик кўриш учун 15 мин., жавоб бериш учун эса 10 мин. берилади.	Тайёргарлик кўради.
	2.3. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. Баҳс-мунозарани бошқариб боради. Зарур ҳолларда аралашади ва керакли томонга йўналтиради.	Топшириқни бажаради.
	2.6. Топшириқни ватман қоғозларга тушириб, тақдимотни ўтказишга ёрдам беради. Гуруҳларнинг бажарган ишларини таққослайди. Ягона хулоса чиқаришга ёрдам беради ва жавобларни умумлаштиради.	Бажаради.
	2.4. Гуруҳларнинг жавобларини тинглаб, уларни баҳолайди.	Тақдимот қилади.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мустақил тайёрлаш учун топшириқ беради.	

«Кластер» техникаси

Кластер – фикрларни тармоқланиши- бу педагогик стратегия бўлиб, у талабаларнинг мавзуни чуқур ўрганишга ёрдам беради. Талабаларда мавзуга таллуқли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғланган ҳолда тармоқлашларига ўргатади. Бу усул бирон мавзуни чуқур ўрганишдан аввал талабаларни фикрлаш фаолиятини жонлантириш ҳамда кенгайтириш учун хизмат қилади. Шунингдек, ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш, умумлаштиришга ундайди. Кластер техноллогияси қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Таянч сўз берилади;
2. Барча талабалар шу сўз бўйича ҳаёлига келган ҳамма сўзларни ёзадилар.
3. Ёзилган сўзлардан боғланадиганларини белгилайди.
4. Таянчсўзнинг мазмунини ёритади.
5. Дарс давомида ўрганилиши лозим бўлган муаммолар талабаларга маълум қилинади ва улар дарс давомида тушунтириб берилади.



6-мавзу	Васийлик ва ҳомийлик
----------------	-----------------------------

5.1. Амалий машғулотни олиб бориш технологияси

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 20
Машғулот шакли	Индивидуал топшириқларни бажаришга асосланган амалий машғулот
Амалий машғулот режаси	1. Васийлик ва ҳомийлик муносабатларининг шаклланиши 2. Вояга етмаган шахсларга васийликнинг ўрнатилиши 3. Аёлларга нисбатан васийлик 4. Васийнинг шахсига ва фаолиятига қўйиладиган талаблар. 5. Ҳомийлик тушунчаси
Машғулотнинг мақсади: Мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштиришни таъминлаш	
Педагогик вазифалар	Ўқув фаолияти натижалари.
• мавзунини мустақил ўрганиш учун асос яратди; • мавзу бўйича билимларни чуқур ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ёрдам беради; • гуруҳларда ишлашни ташкил қилади; • ўз нуқтаи назарига эга бўлишни шакллантиради;	- амалий машғулот режаси билан олдиндан танишиб чиқиб, тайёргарлик қўради; - Васийлик ва ҳомийлик муносабатларининг шаклланишини тушунтириб бера олади; - Вояга етмаганлар ва аёлларга нисбатан васийлик асосларини ўзлаштиради; - Васийнинг шахсига ва фаолиятига қўйиладиган талабларни ўрганади;
Ўқитиш усуллари ва техника	Топшириқлар, амалий ишлаш усули, суҳбат.
Ўқитиш воситалари	Тарқатма материал, компьютерлар, доска.
Ўқитиш шакллари	Компьютер, проектор ва бошқа техник воситалар мавжуд хоналарда.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб, ўз-ўзини назорат қилиш, рейтинг тизими асосида баҳолаш.

5.2. Амалий машғулотнинг технологик картаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолиятнинг мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
I-босқич. Мавзуга кириш. (10 минут)	1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва вазифаларини айтади. (Амалий машғулотни ўтказишда олдиндан топшириқ ва вазифалар беради).	Мавзу номини ёзиб оладилар
	1.2. Таълим жараёни интерфаол усуллар орқали амалга оширилишини эълон қилади. Талабаларни доира ёки тўртбурчак шаклда столлар атрофида икки гуруҳга бўлади.	Ёзиб оладилар. Жавоб берадилар.
II-босқич. Асосий (65 минут)	2.1. “Конверт” техникасидан фойдаланган ҳолда ҳар бир гуруҳ навбат билан конвертга солинган топшириқларни олади. (I-илова).	
	2.3. Гуруҳларга топшириқни бажариш учун ёрдам беради. Баҳолаш мезонлари билан таништиради. (2-илова). Баҳс-мунозарани бошқариб боради. Зарур ҳолларда аралашади ва керакли томонга йўналтиради.	Тайёргарлик қўради.
	2.4. Гуруҳларнинг жавобларини тинглаб, уларни баҳолайди.	Топшириқни бажаради.
III-босқич. Якуний (5 минут)	3.1. Иш якунларини чиқаради. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали рағбатлантиради.	Саволлар берадилар
	3.2. Мустақил тайёрлаш учун топшириқ беради.	

1-Илова.

«Конверт» техникаси учун саволлар
(Ҳар бир савол конвертларга алоҳида солинади).

1. ?
2. Сиёсий ҳокимиятнинг тўрт қиёфасини изоҳланг?
3. Ҳокимият, давлат ҳокимияти, сиёсий ҳокимиятга таъриф беринг.
4. Сиёсий ҳокимият структураси моҳияти?
5. Ҳокимият ҳозирги замондаги хусусиятлари?
6. Ҳокимият легитимлини моҳиятини кўрсатиб беринг?
7. Давлат ҳокимиятининг бўлиниши
8. Демократиянинг турлари асос негизи нимадан келиб чиқади?
9. Сиз нима деб ўйлайсиз демократия кўп давлатларда ҳар хил кўринишда намоён бўлади?

2-Илова.

Гуруҳларнинг билим ва кўникмаларини Баҳолаш мезонлари

Топшириқлар, баҳолаш кўрсаткичлари ва муаммолари	I гуруҳ	II Гуруҳ
1-топшириқ : (15 балл)		
-Савол ёритиб берилди (5 балл)		
-регламентга эътибор қаратилди.(5 балл)		
-гуруҳ фаол қатнашади (5балл)		
2-топшириқ : (15 балл)		
-муаммо ечимини топди (5 балл)		
-матндан тўғри хулоса чиқарилди (5 балл)		
-мисоллар билан умумлаштирилди .(5 балл)		
Жами : (30 балл)		

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

Рим ҳуқуқи фанидан тест саволлари

1. Рим республикасининг етакчи органи бўлган сенат аъзолари ким томонидан тайинланганлар?

- А) Халқ томонидан сайланганлар.
- Б) Цензорлар томонидан тайинланганлар
- С) Император томонидан тайинланганлар
- Д) Патрицийлар томонидан тайинланганлар

2. Сенат аъзолари неча кишидан иборат бўлган?

- А) 100 киши
- Б) 200 киши
- С) 300 киши
- Д) 400 киши

3. Магистрлар қанча муддатга сайланганлар?

- А) 1 йилга
- Б) 2 йилга
- С) 3 йилга
- Д) 4 йилга

4. Фуқаролик суди процессларининг қандай турлари бўлган?

- А) легисакцион, реституция, формуляр
- Б) легисакцион, формуляр, интенция
- С) формуляр, когницион, интенция
- Д) легисакцион, формуляр, когницион

5. Формуляр суд қандай босқичларда ўтган?

- А) бир босқичда: претор ҳузурида
- Б) икки босқичда: претор ҳузурида, судда
- С) уч босқичда: претор ҳузурида, судда, халқ йиғинида
- Д) тўрт босқичда: судда, халқ йиғинида, сенатда, император ҳузурида

6. «Фамилия» сўзи қандай маънони англатган?

- А. Ота исми
- Б. Уй хўжалиги
- В. Она томондан қариндошлар
- Г. Маънавий қариндошлик

7. Қандай ҳолат агнатик ҳолат деб аталган?

- А. Қизнинг турмушга чиқиши
- Б. Турмушга чиққан қизнинг сеп олиш масаласи
- В. Фарзандликка олиш

Г. Оила аъзоларининг ҳуқуқий алоқадорлиги

8.Эркак ҳукмронлигидаги никоҳда турмушга чиққан қиз кимнинг ихтиёрига тушиб қолган?

А. Қайнотасининг

Б. Қайнонасининг

В. Эрининг

Г. А ва В жавоблар тўғри

9. Римда магистратуралар деб нимага айтилган?

А. Давлат мансаблари

Б. Сенат аъзолари

В. Сайловчилар

Г. Халқ вакиллари

10. Эмансипация нима?

А. Гувоҳлар олдида ворисларни эълон қилиш.

Б. Расмий қарз мажбуриятини бажарганлигини эълон қилиш

В. Фарзандларни озодликка чиқариш жараёни

Г. Томонлар никоҳини оммага эълон қилиш

11. Ўз мулкни ўзгалар эгалигидан талаб қилиш ҳақидаги даъво қандай номланади?

А. Цивиль ҳуқуқи

Б. Виндикация

В. Фамилия

Г. Манципация

12. Легат ворисликнинг қандай турига мансуб?

А. Универсал ворислик

Б. Сингуляр ворислик

В. Қонун бўйича ворислик

Г. Тўғри жавоб йўқ.

13. Судьяларнинг якуний ҳукми нима деб аталган?

А. Виндикация

Б. Новация

В. Вердикт

Г. Цессия

14. Римда мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантанали ўтказиш нима деб аталади?

А. Манципация

Б. Реституция

В. Когницион жараён

Г. Барча жавоблар тўғри

15. Рим ҳуқуқида “қум ману” туридаги расмий никоҳ қандай бекор қилинган?

- А. Эркак ва аёл келишуви билан
- Б. Фақат эркак розилиги билан
- В. Фақат аёл розилиги билан
- Г. Суд ҳукми билан

16. Никоҳ Рим юристлари томонидан қандай таърифланган?

- А. Жамият таянчи
- Б. Давлат бирлиги
- В. Илоҳий ва инсоний иттифоқ
- Г. Бундай таъриф бўлмаган

17. Рим ҳуқуқида никоҳланувчиларнинг ёши қандай белгиланган?

- А. Аёллар учун – 12, эркаклар учун -14
- Б. Аёллар учун – 12, эркаклар учун -16
- В. Аёллар учун – 14, эркаклар учун -16
- Г. Аёллар учун – 16, эркаклар учун -18

18. Сервитут ҳуқуқи нима?

- А. Норасмий никоҳ тузиш ҳуқуқи
- Б. Мерос қолдириш ҳуқуқи
- В. Тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлиш ҳуқуқи
- Г. Бошқалар мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи

19. Манципация жараёнида томонлардан ташқари яна кимлар иштирок этган?

- А. Судья ва 4 та гувоҳ
- Б. Понтифик ва 3та гувоҳ
- В. Тарозибон ва 5 та гувоҳ
- Г. Претор ва 7 та гувоҳ

20. Император Юстиниан даврида қуйилагилардан қайси бири амалга оширилди?

- А. Черковларнинг юридик шахс сифатида эътироф этилиши
- Б. Аёлларга тўлиқ мерос олиш ҳуқуқининг берилиши
- В. Корпорацияларнинг сенатнинг рухсатисиз тузилишининг таъқиқланиши
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри

21. Новация нима?

- А. Мажбуриятларнинг янгиланиши
- Б. Мажбуриятларнинг бекор бўлиши
- В. Шартнома тузиш жараёни

Г. Мулкнинг тантанали равишда бошқа шахсга топширилиши жараёни

22. Мажбуриятлар қандай асосларда вужудга келади?

- А. Ҳуқуқбузарлик ва шартнома асосида
- Б. Реал ва консенсуал шартнома асосида
- В. Судьяларнинг ҳукми асосида
- Г. Преторларнинг буйруқлари асосида

23. Интердикт нима?

- А. Йўқотилган нарсани қайтиб олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат
- Б. Ашёни вақтинчалик ушлаб туриш
- В. Мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантанали топширилиши
- Г. Қарздорлик мажбурияти

24. Юлиан эдикти сифатида машҳур бўлган сенатус-консулт қандай ном билан аталган?

- А. Абадий эдикт
- Б. Умумий эдикт
- В. Машҳур эдикт
- Г. Бир йиллик эдикт

25. Император томонидан сулд ишларида чиқарилган қарорлар нима деб аталган?

- А. Декретлар
- Б. Эдиктлар
- В. Рескриптлар
- Г. Мандатлар

26. Рим юриспруденцияси нечанчи йилдан бошлаб соф дунёвий характер касб эта бошлади?

- А. Милоддан аввалги 254 йилдан
- Б. Милоддан аввалги 230 йилдан
- В. Милоддан аввалги 244 йилдан
- Г. Милоддан аввалги 264 йилдан

27. Прокульянлар ҳуқуқ мактабининг асосчиси ким бўлган?

- А. Лабейон
- Б. Прокул
- В. Капитон
- Г. Ульпиан

28. Рим давлатида 438 йилда амалга оширилган кодификация қандай ном билан аталган?

- А. Феодосий кодекси
- Б. Грегориан кодекси

В. Гермогениан кодекси
Г. Юстиниан кодекси

29. Византия императори Юстинианнинг буйруғи билан 528-534 йилларда ўтказилган кодификация ишларига ким раҳбарлик қилган?

А. Папиниан
Б. Ульпиан
В. Модестин
Г. Трибониан

30. Дигесталар неча китобдан иборат бўлган?

А. 50 та
Б. 15 та
В. 10 та
Г. 25 та

31. Рим давлатида фуқароларнинг тенглиги ҳақида 212 йилдаги фармон қайси император томонидан чиқарилган?

А. Каракелла
Б. Юстиниан
В. Август
Г. Север

32. Сенат мажлиси ким томонидан чақирилган?

А. Бакалаврлар
Б. Император
В. Магистрлар
Г. Преторлар

33. Рим давлатида сайлов билан сайланадиган малдорлар қандай ном билан юритилган?

А. Бакалаврлар
Б. Консуллар
В. Магистрлар
Г. Преторлар

34. Император доирасига кирувчи мухтор ҳуқуқлар қайси жавобда тўғри келтирилган?

А. Қўшинларга олий қўмондонлик қилиш, рақиб билан сулҳ тузиш
Б. Сенат ва халқ мажлисини чақириш
В. Ҳарбий ва фуқаролик юрисдикциясига эга бўлиш
Г. Барча жавоблар тўғри

35. Қайси қонун бўйича қарзини тўлолмаган қарздорларни қул қилиш ёки ажнабийларга сотиш таъқиқланган?

А. Петелий қонуни
Б. Лициний қонуни
В. Аквиллий қонуни

Г. Гортензия қонуни

36. Цицерон қайси мансабдор шахслар томонидан чиқарилган қонунларни “бир йиллик қонунлар” деб атаган?

- А. Преторлар
- Б. Консуллар
- В. Магистрлар
- Г. Цензорлар

37. Фуқароликни йўқотиш асослари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Озодликни йўқотиш, асирга тушиш
- Б. Бошқа давлатларга қул қилиб сотиш
- В. Оғир жиноят қилгани учун муддатсиз сургунга юбориш
- Г. Барча жавоблар тўғри

38. Қйси император давридан бошлаб хусусий корпорацияларни Сенат рухсатисиз ташкил қилиш таъқиқланган?

- А. Император Август
- Б. Император Север
- В. Император Адриан
- Г. Император Антоний

39. Қул эгалари ўз мулкларини бир қисмини қулларга топширишлари нима деб аталган?

- А. Пекулий
- Б. Интердикт
- В. Литисконтестация
- Г. Потестас

40. Сервитут ҳуқуқи асосида келиб чиққан низоларни ҳал қилишда қандай даъво қўлланилган?

- А. Прогибатор даъво
- Б. Негатор даъво
- В. Виндикацион даъво
- Г. Публикацион даъво

41. Реституция қандай маънони билдиради?

- А. Оғир оқибатлар келтириб чиқариш
- Б. Олдинги ҳолатга қайтариш
- В. Далиллар тўплаш
- Г. Даъво билдириш

42. қуликдан озод қилиш масалалари неча нафар судья иштирокида кўрилган?

- А. 10 ёки 100 нафар судья
- Б. 1 нафар судья
- В. 10 нафар судья

Г. 10 ёки 20 нафар судья

43. Когницион иш юритиш жараёни қайси даврга келиб узил-кесил қарор топди?

- А. Доминат
- Б. Принципат
- В. Республика
- Г. Монархия

44. Император Август замонда қандай кулларни қўйиб юбориш таъқиқланган?

- А. Тамға босилган кулларни
- Б. Гладиаторларни
- В. Ўз ихтиёри билан кул бўлганларни
- Г. Кул бўлиб туғилганларни

45. Патрицийлар билан плебейлар ўртасида никоҳ тузиш қайси қонун билан таъқиқланган?

- А. Канулей қонуни билан
- Б. 12-жадвал қонун билан
- В. Лициний қонуни билан
- Г. Петелий қонуни билан

46. “Узуфрукт” атамаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Бировнинг ашёси ва даромадидан умрбод фойдаланиш ва уни яроқли бўлишини таъминлаш
- Б. Бошқалар еридан сув ўтказиш
- В. Бировнинг ашёсидан чекланган миқдорда фойдаланиш
- Г. Тўғри жавоб йўқ

47. Бошқаларнинг мулкига бўлган ҳуқуқ турлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Сервитут
- Б. Эмфитевзис
- В. Суперфиций
- Г. Барча жавоблар тўғри

48. Сервитутлар нима деб аталган?

- А. Легал қонунлар ёки нормалар
- Б. Чекланган қонунлар
- В. Чекланмаган қонунлар
- Г. Махсус қонунлар ёки актлар

49. Шахсий сервитутлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- А. Узуфрукт, узус, хабитацио
- Б. Итер, актус
- В. Актус, узуфрукт

Г. Тўғри жавоб йўқ

50. Сервитутга берилган кўчар ашёдан неча йил фойдаланилмаса сервитут тугатилган?

А. 1 йил

Б. 2 йил

В. 3 йил

Г. Бундай ҳолат назарда тутилмаган

51. Сервитутга берилган кўчмас мулкдан неча йил фойдаланилмаса сервитут тугатилган?

А. 1 йил

Б. 2 йил

В. 3 йил

Г. Бундай ҳолат назарда тутилмаган

52. Эмфитевзис бўйича ерни ижарага олган шахс куйидаги ҳуқуқлардан қайси бирига эга бўлган?

А. Олинган ерга унинг сифатини пасайтирмаслик шарти билан ўзгартиришлар киритиш

Б. Ердан олинадиган ҳосилни йиғиштириб олиш

В. Ерни гаровга қўйиш, ўзидан бегоналаштириш ва авлодларга қолдириш

Г. Барча жавоблар тўғри

53. Манципация нима?

А. Сохта суд жараёни

Б. Мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантанали равишда ўтказиш

В. Мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш

Г. Тўғри жавоб йўқ

54. Қайси ҳолатларда фуқаро хусусий мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотади?

А. Мулк эгаси мулкни ўзидан бегоналаштириши натижасида

Б. Мулк эгаси эрки-иродасидан ташқари ҳолларда

В. Мулкни ёниб кетиши, бировга берилиши натижасида

Г. Барча жавоблар тўғри

55. Рим юристларининг фикрича қайси жойда мажбурият бўлмайди?

А. Кредитор ва қарздор йўқ жойда

Б. Мажбурият белгиланмаган жойда

В. Хорижий давлатда

Г. Уйда

56. Рим ҳуқуқида “Цессия” қандай маънони англатади?

А. Талаб қилиш ҳуқуқини бир кредитордан бошқасига ўтиши

Б. Мажбуриятни янгиланиши

В. Қайтарма мажбурият

Г. Даъвони ҳимоя қилиш

57. Конкубинат бу.....?

- А. Эркаклар ва аёлларнинг расмийлаштирилмаган доимий биргаликдаги яшаши?
- Б. Эр ҳокимиятисиз никоҳ
- В. Зарарни ундириш бўйича мажбурият
- Г. Фарзандсизликни жазоловчи қонун

58. Принципат даврида кимларнинг васиятлари қандайдир расмийчиликлар талаб қилмаган?

- А. Аскарларнинг
- Б. Деҳқонларнинг
- В. Ҳунармандларнинг
- Г. Бойларнинг

59. Классик даврда васиятномаларда нима ўрнатиш кенг тарқалган

- А. Васиятномадан воз кечиш
- Б. Махсус мулк
- В. Магистрлар иштирокида тузиладиган қайдномалар
- Г. Фақат А ва Б жавоблар тўғри

60. Қайси даврда экстраординар жараён кенг тарқала бошланган?

- А. Доминат даврида
- Б. Принципат даврида
- В. Энг қадимги даврда
- Г. Республика даврида

61. Сенатус консулт қачон қабул қилинган?

- А. Милоднинг 10-йилида
- Б. Милоднинг 5-йилида
- В. Милоднинг 2-йилида
- Г. Милоднинг 6 йилида

62. Доминат даврида имтиёзли шахслар қандай ҳолатларда ўлимга маҳкум қилинганлар?

- А. Тўрт ҳолатда: одам ўлдириш, ўт қўйиш, сеҳру-жоду билан шуғулланиш ва жаноби олийларини ҳақорат қилиш ҳолатларида
- Б. Уч ҳолатда: ўт қўйиш ва сеҳру-жоду билан шуғулланиш, ўғирлик қилиш ҳолатларида
- В. 31 турдаги жиноятлари учун
- Г. Ҳарбий жиноятлар учун

63. Васият қилиш ҳуқуқи кимларга берилмаган?

- А. Перегринларга
- Б. Лотинларга
- В. Плебейларга
- Г. Колонларга

64. Рим ҳуқуқида меросни қабул қилиш муддати неча кун қилиб белгиланган?
- А. 100 кун
 - Б. 30 кун
 - В. 50 кун
 - Г. 150 кун
65. Мерос қолдирилган мулкнинг бир қисмини бошқа шахсларга бериш нима деб аталган?
- А. Легат
 - Б. Интестабел
 - В. Фидеокомисс
 - Г. Тўғри жавоб йўқ
66. Меросдан маҳрум этилганлар қайси судга мурожаат қилганлар?
- А. Центрумвирал судларга
 - Б. Император судларига
 - В. Претор судларига
 - Г. Ҳакамлик судларига
67. Ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи нима деб аталган?
- А. Юс утенди
 - Б. Юс пруюнди
 - В. Юс абутенди
 - Г. Юс поссиденди
68. Император Юстиниан даврида мулкка эгалик қилишнинг қандай усули кенг тарқалган?
- А. Анъанавий усул
 - Б. Ҳосила усули
 - В. Дастлабки усул
 - Г. Ин юре цессии усули
69. Мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда энг асосий даъво қайси жавобда тўғри берилган?
- А. Виндикацион даъво
 - Б. Негатор даъво
 - В. Прогибатор даъво
 - Г. Конфессор даъво
70. Гаров ҳуқуқи қачон бекор қилинган?
- А. Гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида
 - Б. Гаровга бўлган ҳуқуқнинг бекор бўлиши натижасида
 - В. Гаровга қўйилган мулк битта шахсга тааллуқли бўлиши натижасида
 - Г. Гаров билан таъминланган мажбуриятнинг бажарилиши натижасида

71. Мажбуриятларни тўртта асосда вужудга келиши биринчи маротаба қайси кодексда ўз ифодасини топди?

- А. Юстиниан кодексида
- Б. Грегориан кодексида
- В. феодосий кодексида
- Г. Гермогениан кодексида

72. Рим давлатида товарлар. Ашёлардан фойдаланганлик учун. Ҳамда қарзни ўз вақтида тўламаганлик учун фоизлар тўланган. Бу фоизлар савдогарлар учун қанча қилиб белгиланган?

- А. 8 фоиз
- Б. 4 фоиз
- В. 6 фоиз
- Г. 10 фоиз

73. Васиятнома тузишда кимлар гувоҳ сифатида тан олинмаган?

- А. Хотин - қизлар
- Б. Вояга етмаган шахслар
- В. Қўрлар ва қар соқовлар
- Г. Барча жавоблар тўғри

74. Рим ҳуқуқининг ривожланиш босқичлари қандай даврларга бўлинади?

- А. Энг қадимги давр, классик давр, постклассик давр
- Б. Энг қадимги давр, классик давр, Юстиниан даври
- В. Энг қадимги давр, янги давр
- Г. Классик давр, постклассик давр, Юстиниан даври

75. Римнинг энг дастлабки ҳуқуқ ижодкорлари кимлар?

- А. Преторлар
- Б. Сенаторлар
- В. Понтификлар
- Г. Юристлар

76. Рим ҳуқуқидаги энг дастлабки ёзма манба қандай номланади?

- А. Дигестлар
- Б. Конституциялар
- В. 12-жадвал қонунлари
- Г. Аквиллий қонуни

77. Рескриптлар нима?

- А. Император томонидан суд ишларига чиқарилган қарорлар
- Б. Императорнинг алоҳида масалалар бўйича консультациялар сўраган шахсларга берган жавоблар
- В. Провинцияларнинг ҳокимларига йўлланган инструкциялар
- Г. Фақат мазкур император ҳаётлик чоғида амалда бўлган мажбурий қоидалар

78. Римнинг қайси юристларининг асарлари юридик кучга эга эканлиги тан олинган?

- А. Папиниан, Павел, Ульпиан, Гай, Модестин
- Б. Папиниан, Павел, Ульпиан, Феодосий, Сабин
- В. Ульпиан, Гай, Модестин, Юлиан, Сабин
- Г. Павел, Ульпиан, Гай, Модестин, Григориан

79. Юстиниан кодекси неча китобга бўлинган?

- А. 10 та
- Б. 12 та
- В. 14 та
- Г. 20 та

80. Пандект ибораси қандай маънони англатади?

- А. Ўз ичига ҳаммасини олиш
- Б. Энг муҳим қисмини ажратиш
- В. Қонунлар тўплами
- Г. Юристларнинг фаолияти

81. Патрицийлар билан плебейлар ўртасида никоҳ тузишга қачондан бошлаб рухсат берилган?

- А. Милоддан аввалги 445 йилда
- Б. Милоддан аввалги 450 йилда
- В. Милоддан аввалги 465 йилда
- Г. Милоддан аввалги 470 йилда

82. Патрицийлар билан плебейлар ўртасида никоҳ тузишга қайси қонун орқали рухсат берилган?

- А. Канулей қонуни билан
- Б. 12-жадвал қонун билан
- В. Лициний қонуни билан
- Г. Петелий қонуни билан

83. Ссуда шартномаси қандай шартнома турига кирган?

- А. Реал
- Б. Консенсуал
- В. Литтерал
- Г. Римда бундай шартнома бўлмаган

84. Олди-сотди шартномаси қандай шартнома турига кирган?

- А. Реал
- Б. Консенсуал
- В. Литтерал
- Г. Стипуляция

85. Ижара шартномаси қандай шартнома турига кирган?

- А. Реал
- Б. Консенсуал
- В. Вербал
- Г. Стипуляция

86. Васиятномалар тузишда қонуний меросхўрларнинг мажбурий хиссаси қандай белгиланган?

- А. Мулкнинг учдан бир хиссаси
- Б. Мулкнинг тўртдан бир хиссаси
- В. Мулкнинг бешдан бир хиссаси
- Г. Мулкнинг ўндан бир хиссаси

87. Қайси даврда аёлларнинг муомала лаёқати эркакларники билан тенглаштирилган?

- А. Энг қадимги даврда
- Б. Классик даврда
- В. Постклассик даврда
- Г. Аёлларнинг муомала лаёқати эркакларники билан ҳеч қачон тенглаштирилмаган

89. Қайси император даврида фидеикомиссларга қонуний куч берилган?

- А. Август
- Б. Юстиниан
- В. Север
- Г. Антоний

90. Формуляр жараён қачон юзага келган?

- А. Милоддан аввалги III асрда
- Б. Милоддан аввалги II асрда
- В. Милоддан аввалги I асрда
- Г. Милодий I асрда

91. Император ҳокимияти баъзи бир корпорацияларига ўз низомини ишлаб чиқаришга рухсат берган эди. Бу ибора қайси ҳуқуқшуносга тегишли?

- А. Гай
- Б. Модестин
- В. Лабейон
- Г. Ульпиан

92. Рим ҳуқуқида биргаликдаги фаолият нима деб аталган?

- А. Сосиетас
- Б. Метус
- В. Мандатум
- Г. Кустодия

93. Мулкни ушлаб туриш нима деб аталади?

- А. Детецио

- Б. Корпус
- В. Анимус
- Г. Традицио

94. Римликлар биринчи бўлиб нимани ишлаб чиққанлар?

- А. Хусусий мулкка асосланган энг мукаммал ҳуқуқ формасини
- Б. Қонунларни
- В. Кодексларни
- Г. Дигестларни

95. Рим давлатида шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати нима туфайли ўзгариб борган?

- А. Савдо муносабатларини янада кенгайтиши
- Б. Объектларнинг кенгайтиши
- В. Субъектларнинг кўпайиши
- Г. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши

96. Рим ҳуқуқида мулк ҳуқуқининг мазмунини нечта элемент ташкил қилади?

- А. 2 та
- Б. 3 та
- В. 4 та
- Г. 5 та

97. Исмсиз шартномалар қандай ҳаракатлар билан амалга оширилган?

- А. До ут тес
- Б. До ут фациас
- В. Фацио ут дес
- Г. Фацио ут фациас

98. Рим ҳуқуқига кирмайдиган муносабатларни кўрсатинг?

- А. Маъмурий муносабатлар
- Б. Оилавий муносабатлар
- В. Мулкий муносабатлар
- Г. Ворислик муносабатлари

99. Халқ йиғини-куриялар комицияси нечта уруғдан ташкил топган?

- А. 10 та
- Б. 20 та
- В. 30 та
- Г. 40 та

100. Қарз эвазига қулга айлантириш қайси қонунга кўра бекор қилинган?

- А. Петелий қонунига кўра
- Б. Лициний қонунига кўра
- В. 12-жадвал қонунларига кўра
- Г. Тўғри жавоб йўқ

Г Л О С С А Р И Й

**РИМ ҲУҚУҚИ ФАНИНИНГ АСОСИЙ
ТУШУНЧАЛАРИ ВА МУҲИМ АТАМАЛАРИ**

Агнатлар - отадан таркаган қариндошлар, фарзандлар, шунингдек, улар билан тенг ҳуқуқли ҳисобланган фарзандликка олинган болалар ҳисобланган.

Актiones ноксалес - оила бошлиғига унинг итоатида бўлган шахс томонидан зарар келтирилиши.

Гаров - мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш турларидан бири бўлиб, гаровга нарса қўйган киши бу билан ўзини мажбуриятлар билан боғлаб беради. Шунинг учун ҳам гаров римчасига *pignus*, яъни “кишан” деб аталади. Гаровни шартномага қўшимча мажбурият дейдилар.

Закалат - римчасига “арра” ёки “арха” дейилиб, қимматли бир нарсани гаровга қолдиришдан иборат бўлган

Инюрия - танага шикаст етказиш, лекин зарар кўрган зарар етказувчи билан зарарни қоплаш ҳақида келишган бўлса.

Ипотека – Римда мажбуриятларни таъминлаш воситаларидан биридир. III асрга келиб греклардан келган ипотека усули кенг қўлланила бошлаган. Ипотеканинг пигнусдан асосий фарқи шундаки, гаровга қўйилган нарса кредиторда эмас, қарздорнинг ўзида сақланган ва қарздор ундан фойдаланиб юриши ҳам мумкин бўлган. қарздор у нарсани бировга ўтказиб юборсагина кредитор уни талаб қилиб олиши мумкин бўлган. Агар қарздор ўз мажбуриятини бажармаса, кредитор унинг гаровдаги нарсасини тортиб олган.

Кауза - сўзини латинчадан “сабаб”, “мақсад” деб таржима қилиш мумкин. “Кауза” субъектив тушунча бўлиб, шартнома тузиш ва мажбуриятлар олиш сабабини билдиради

Колонлар - бировнинг ерларини ижарага олиб, унга пул ёки маҳсулот билан ҳақ тўловчилар. Уларнинг ҳар хил турлари бўлган. қулни бевосита ишлатгандан кўра, унга ер бериб, “ҳосилнинг бир қисми ўзингники”, дейилса, қул тиришиброқ ишлаган ва хўжайинга ҳам кўпроқ маҳсулот етказиб берган. Аммо кейинчалик улар хўжайиннинг қутулиб бўлмас қарз кишанига тушганлар

Консенсус – келишувга асосланган шартномалар

Конкубинат - эркак ва аёлнинг қонунга кўра доимий бирга яшаш ҳуқуқи

Куриат халқ мажлислари – уруғчилик даврларидан қолган қабилалараро йиғилишлар бўлиб, уларда плебейлардан ташқари, фақат Рим фуқаролари қатнашганлар. Милодий III асрга келиб уларнинг таъсир кучи камайиб борган. Улар расман магистрларни турли лавозимларга тайинланган, фарзандликка олиш, ворислик масалалари, хусусан, васиятномалар тузиш билан ҳам шуғулланганлар. Римда бу дастлабки давлат органлари бўлиб, кейинчалик демократлаштириш томонга ўзгарган.

Кустодиа – сақлаш, муҳофаза қилиш дегани бўлиб, Рим ҳуқуқи ашё ҳақида ғамхўрлик қилишдан уни асраб, авайлашни юқори қўйган. Масалан, тикувчи бир кийимни тузатиб беришга олса, унинг сақланишини ҳам бўйнига

олади. қулни ёки молни сотиб беришни бўйнига олган даллол уни боқишни ҳам ўз зиммасига олган.

Л е г а т - мерос қолдирилган мулкнинг бир қисмини бошқа шахсларга бериш назарда тутилган васиятга айтилган

Либертинлар - озод қилинган қуллар. Қадим замонларданоқ қулдорлик давлатлари, хусусан, Римда қулларни озод қилиш ҳуқуқи мавжуд бўлган. Улар турли усулларда амалга оширилган.

Л о т и н л а р - Римга бўйсундирилишидан олдин луциум халқлари лотин номи билан юритилганлар

М а г и с т р а т у р а - Римда сайлов йўли билан тайинланадиган амалдорлар.

Мажбурият - бу кредитор (қарз берувчи) ва қарздор ораларидаги ҳуқуқий муносабат бўлиб, бунда қарздорга кредитордан олган қарзини тўлаш ва бошқа хил вазифаларни бажариш мажбурияти юкланган, уларни бажармаса турли салбий оқибатлар келиб чиқиши мумкин

М а н ц и п а ц и я - Римда мулк ҳуқуқини бошқа шахсга тантана билан ўтказиш тартиби манципация деб аталган.

Н о в а ц и я - Мажбуриятнинг янгиланиши. Бу масала, аввало тарафларнинг бири вафот этганда юзага келган. Бунда ворислар ҳуқуқидан бошқа мажбуриятлар бекор қилинган, чунки ворислик бутун оилага тааллуқли бўлган.

О д а т – инсонлар ҳаётида, аجدодлар турмушида юзага келиб авлоддан авлодга ўтиб ривожланиб келадиган одоб-ахлоқ нормалари.

Оммавий ҳуқуқ – давлат мафаатларини, эркини, унинг ҳуқуқи ҳолатини ҳимоя қиладиган, унинг ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қиладиган, унинг статуси билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардан ташкил топган

П а к т л а р - “Paktum” атамаси билан Рим юристлари норасмий бўлгани учун даставвал даъво билдириш орқали ҳимояга эга бўлмаган мажбуриятларни атаганлар.

Провинция мулки - Рим давлати босиб олган (Европа ва Осиёдаги) жойлар Рим империясининг чекка ўлкаларидир.

С е н а т - Рим республикасининг етакчи органи бўлиб, расман қонун чиқарувчи ташкилот ҳисобланмаса ҳам, амалда унинг қарорлари қонун кучига эга бўлган ва магистрлар томонидан сўзсиз бажарилган.

Сервитутлар - Мулкий ҳуқуқ доирасига хусусий мулкдан ташқари, ўзгалар мулкига бўлган ҳуқуқлар, унга эгалик (ундан фойдаланиш) ҳуқуқи

Синграф - (грекча “ёзма ҳужжат”) Римликлар тилхатни шундай деб атаганлар. У икки нусхада тузилган ва ўзига хос вексель вазифасини ўтаган. Бу ҳужжатни қўллаш учун фақат римликларгагина эмас, балки peregrinларга ҳам рухсат этилган. Синграфлар учинчи шахс номидан ёзилган (масалан, “Фалончи бунча қарз” шаклда) ва уни аввал қарздор сўнгра гувоҳлар имзолаганлар.

Сингуляр ворислик – ёлғиз (якка) ворислик бўлиб, унда фақат васиятномада кўрсатилган нарсаларгина қабул қилиб олинган

Суперфиция - Бошқалар мулкига бўлган ҳуқуқлар. Бу сўз қурилишларнинг ер устки қисмига ёки, умуман, ер билан боғлиқ ашёга бўлган ҳуқуқни билдиради

Узуфрукт. “Узуфрукт” атамаси бировнинг ашёси ва даромадидан умрбод фойдаланиб, унинг бутун сақланиши ва ҳўжаликка яроқли бўлишини таъминлашни англатган.

Узус – бу узуфруктнинг бир тури бўлиб, бунда ер ёки боғ ҳосилидан фойдаланишгина, у ҳам бўлса қисман чекланган.

Универсал ворислик – бу меросхўр (меросхўрлар) васиятномага биноан ҳамма нарсани – мавжуд мол-мулкни ҳам, қарзни ҳам зиммасига олишидир.

Фуртум - Мулкнинг ўғирланиши, лекин ўғри жиноят содир этилган жойда ушланмаган, аммо ашё ундан топилган ҳолатда

Центуриат мажлислари – Рим халқининг ҳаммаси қатнашадиган жуда муҳим мажлис бўлган. Овоз бериш центурияларда ўтказилган. 193 та центурия мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида овозга эга бўлган. Уларга магистратлар (консуллар, претор)ларни сайлаш, ўлим жазосидан афв сўраганлар аризасини кўриш каби вазифалар юклатилган.

Цессия - Мажбуриятни бажаришни талаб қилиш ҳуқуқининг бир кредитордан бошқасига ўтиши ва қисман ён бериш

Юридик шахслар - фуқаролик муомаласида ўз номидан қатнашадиган, даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотлар, корхоналар ва муассасалардир.

Эмансипация - бўшатиш, озод этиш бўлиб, патерфамилиаснинг ўғиллари, қизлари ва набиралари эмансипация объектлари бўлганлар. Уларнинг оталари бешта гувоҳ ҳузурида уларни озодликка чиқариб юборишлари мумкин бўлган ва бунда улар тўла ҳуқуқли фуқароларга айланганлар.

Эмфитевсис. Узок муддатли мерос бўлиб ўтадиган ижара шундай аталган.

Юридик фактлар - Маълум юридик нормаларга мувофиқ натижасида ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки тугатилишига сабаб бўлган ҳаётий шароитлар, воқеа-ҳодисалардир. Юридик фактлар ўз табиатига кўра юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатларга бўлинади. Инсоннинг туғилиши, ўлими, ногирон бўлиб қолиши сингариларнинг ҳар бири юридик факт ҳисобланади ва ҳаммаси “ҳодисаларга” киради, чунки улар инсоннинг хоҳиш-иродасидан ташқарида содир бўлади.

Юридик ҳаракатлар эса инсоннинг ўз хоҳиши билан бажарилади.

Юстиниан кодекси - император Адриандан то Юстиниангача (529 йилгача) бўлган императорларнинг конституцияларини ўз ичига олган Рим ҳуқуқининг муҳим манбаларидан биридир.

